

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ALBERT EYNSHTEYN
(1879-1955)

2022
YANVAR
№36



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
2-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-2**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-2**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 36-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Nabiyeв Sanjar Abduraxmonovich UYG'ONISH DAVRI MARKAZIY OSIYO BUYUK MUTAFAKKIRLARINING JAHON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN HISSALARI.....	7
2. X.S.Ashurova JADIDCHILIK: MAZMUN VA MOHIYATI	9
3. Базарбаева Гулжахан Муратбаевна ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЖИРОВЛАРИНИНГ ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙЎЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	11



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

UYG'ONISH DAVRI MARKAZIY OSIYO BUYUK MUTAFAKKIRLARINING JAHON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN HISSALARI

Nabiyev Sanjar Abduraxmonovich,
O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari
Kichik mutaxassislarni tayyorlash markazi
o'qituvchisi, Falsafa magistri,
e-mail: Nabiev Sanjar.@.uz,
Phone: +998934249515

Annotatsiya: maqolada uyg'onish davri Markaziy Osiyo buyuk mutafakkirlarining jahon sivilizatsiyasi taraqqiyotiga qo'shgan hissalari va ular ilgari surgan g'oyalarin bugungi jamiyat ma'naviy-axloqiy taraqqiyotidagi ahamiyati, taraqqiyotimizning hozirgi bosqichida xalqimiz ongu shuurini yuksaltirishdagi ahamiyati haqida batafsil ilmiy asoslangan m'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: uyg'onish davri, g'oya, yuksalish, taraqqiyot, sivilizasiya. ilm-fan, mutafakkir, alloma, astranomiya, matematika, tibbiyot, ilmiy bashorat, renessans, arifmetika, risola, mantiq.

Markaziy Osiyo tarixiy voqyealarga g'oyat boy o'lka bo'lishi bilan birga azaldan ilm-fan, madaniyat va ma'naviyatning markazlaridan biri bo'lib kelgan. Bu o'lka dunyoga ma'naviyat va ma'rifatning barcha sohalarida yuzlab, minglab jahonshumul ulug' zotlar, davlat arboblari tarbiyalab bergan. Umumbashariyat ma'rifatparvarligini yaratishda buyuk ajdodlarimiz bevosita ishtirok etganlar, uning taraqqiyoti va boyishiga ulkan hissa qo'shganlar. Markaziy Osiyo madaniy merosi jahon madaniyati va ma'rifatining uzviy ajralmas tarkibiy qismidir.

Markaziy Osiyo jahon sivilizatsiyasiga ilm-fan va madaniyatning dastlabki o'choqlaridan biri sifatida ko'plab buyuk mutafakkirlarni tarbiyalab bergan.

IX-XV asrlarni yaqin va O'rta Sharq mamlakatlarida shartli tarzda «Renessans» (uyg'onish) davri deb atashadi. Ma'naviyat va ma'rifatning g'oyat gullab-yashnashi bu davr uchun xarakterli bo'lgan.

Bu davrda qomusiy ilm egalari, ajoyib shoirlar, buyuk davlat arboblari yetishib chiqqan. Dunyoviy fanlarning tez sur'atlarda taraqqiy etishi keng tarjimonlik faoliyatiga ta'sir etdi. Bu jarayon, ayniqsa xalifa Ma'mun davrida (813-833 y.) Bag'dodda «Bayt ul-hikma» (Donolar uyi) tashkil etilgan paytda tezlashdi. Yunon falsafasi va tabobati, hind hisobi, al-ximiya va ilmi nujumga oid asarlar arab tiliga o'girildi. Bunda Markaziy Osiyodan yetishib chiqqan mutafakkirlar, al-Xorazmiy, al-Farg'oniy, al-Farobiy, Ibn Sino, al-Beruniy kabi mutafakkirlar ham katta rol o'ynadilar.

Muhammad al-Xorazmiy (783-850) va Ahmad al-Farg'oniy (taxm. 797-865) butun musulmon sharqi va jahonda tabiiy va aniq fanlar rivojiga salmoqli hissa qo'shgan buyuk allomalardir. Muhammad al-Xorazmiy arab xalifaligining poytaxti bag'dodda «Donishmandlik maskani» («Bayt ul-hikma») ga rahbarlik qilgan. Uning «Astronomiya jadvali», «Hind hisobi to'g'risida risola», «Quyosh soati to'g'risida risola», «Musiqqa haqida risola», «Tiklash va qarshi qo'yish hisobiga oid muxtasar kitob» kabi asarlarida algebra sohasiga asos solindi.

Sharq xalqlari orasida «Buyuk matematik» unvoniga sazovor bo'lgan Ahmad al-Farg'oniy (taxm. 798 y. da Quvada tug'ilgan) astronomiya va matematika sohalarida nom taratdi. Uning «Samoviy jismlar harakati va yulduzlar fanining majmuasi haqida kitob», «Astronomiya asoslari», asarlarida koinot xaritasi tuzildi.

Falsafa, tabiatshunoslik va tibbiyot tarixini Forobiy, Beruniy va Ibn Sinosiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Abu Nasr Forobiy (873-950) – musulmon sharqida Arastudan keyin «Ikkinchi ustoz» unvoniga muyassar bo'lgan yirik mutafakkir va alloma. Uning qalamiga 160 dan ziyod asar mansub bo'lib, ular asosan qadimgi yunon olimlari asarlaridagi tabiiy-ilmiy va falsafiy muammolar



sharhlash hamda bu sohalarning dolzarb masalalarini tahlil qilishga bag'ishlangan. Mutafakkir o'z asarlarida komil inson, fozil fuqaro, odil hukmdor, baxt-saodat, unga erishish yo'llari, davlatning xususiyatlari, axloqiy va aqliy tarbiya, ijtimoiy istiqbol to'g'risida ilg'or g'oyalarni ilgari surgan. Forobiyning sharq xalqlari falsafiy tafakkuri rivojiga bo'lgan ta'siri sezilarli bo'lgan.

Abu Rayhon Beruniy (973 — 1048) deyarli barcha fan sohalarida ijod etgan buyuk qomusiy alloma va mashhur mutafakkirdir. U yaratgan 152 ta asardan 28 tasi bizgacha yetib kelgan. Uning tabiatni o'rganishdagi xizmati kattadir. Alloma jismlarning o'zaro tortishuvi, quyosh va oyning tutilishi, zarra, inersiya va sun'iy tanlanish, rivojlanish, yer qa'rida ro'y beradigan geotektonik siljishlar, yer qiyofasining tadrijiy tarzda o'zgarib turishi, xilma — xil olamlar to'g'risida ilmiy bashoratlarni ilgari surgan. Shu o'rinda amerikalik fan tarixchisi Sarton XI asrni «Beruniy asri» deb ta'riflaydi. Bunday yuksak va haqli baho avvalo qomusiy tafakkur sohibi bo'lmish buyuk vatandoshimizning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan beqiyos hissasi bilan izohlanadi.

Abu Ali Ibn Sino (980-1037) buyuk alloma va mutafakkir. U Buxoro yaqinidagi Afshona qishlog'ida tug'ilib, xamadon shahrida vafot etgan. Ibn Sinodan qolgan ma'naviy me'ros taxminan 280 nomdan ziyodroqdir. Ular tibbiyot, falsafa, mantiq, psixologiya, axloq, musiqa, farmakologiya va boshqa sohalarga bag'ishlangan. Olimning «Shifo kitobi» «Tib qonunlari», «Bilimlar kitobi», «Tabiat durdonasi» kabi asarlari mashhurdir.

Temur va Temuriylar davri, umuman Sharq, xususan Markaziy Osiyo ilm-fani, madaniyati, ma'naviyati, adabiyot va san'ati rivojida muhim bosqich, yangi tarixiy davr, tub burilishdir. Bu davrdagi ma'naviy-ma'rifiy hayotdagi ko'tarilish va yuksalishining manbai, boshlanishi IX-XII asrlarga borib taqaladi. XIV asrning ikkinchi yarmi va XV asrdagi Markaziy Osiyoning madaniy, ma'naviy va ma'rifiy kamoloti IX-XII asr madaniyati, ma'naviyati va ma'rifatining davomidir.

Temur avlodidan bo'lgan Zahiriddin Muhammad Bobur (1483-1530) o'sha davrning eng ma'rifatli podshohlaridan biri edi. Boburning mashhur tarixiy asari «Boburnoma»dir. Bulardan tashqari, u huquqshunoslikka oid «Mubayyin», aruz ilmiga oid «Mufasssal», musiqa bo'yicha «Musiqiy», harbiy ishlarga oid «Harb ishi» risolalarini yozgan. «Boburnoma» o'sha davrdagi Markaziy Osiyo, Hindiston, Afg'oniston, Eronning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy hayotini, savdo munosabatlari, jug'rofiyasi, hayvonot va nabotot olamini, iqlimi, qabila va elatlarning urf-odatlarini, marosimlari, turmush tarzini va marosimlarini aks ettirgan asardir. Bobur o'zining lirik she'rlarida ishq, muxabbat, vatan sog'inchi, mehr, vafo, insoniylik, do'stlik, yaxshilik va mehr-oqibatni kuyladi.

Har bir davlatning bugungi bosh vazifalaridan biri – yurtim deb, elim deb kuyib, yonib yashaydigan vatanparvar komil inson tarbiyalashdir. Bu borada o'tmishda o'tgan buyuk ajdodlarni, ularning ulkan ilmiy merosini o'rganish juda muhimdir.

Farzandlarimizga ajdodlarimiz tarixi, ularning qahramonligi, jamiyatdagi obro'-e'tibori haqida hissiyot bilan gapirib bermog'imiz, shu asosida yosh avlodda Vatan tuyg'usini uyg'otmog'i kerak. Haqiqiy sevish, vatanparvarlik – shu ulug' vatanni sevish, xalq uchun xizmat qilish, jonini ham fido etishdir. Qayerda bo'lsa ham Vatan, xalq uchun fidokorona kurashuvchi kishigina haqiqiy vatanparvardir. Haqiqiy vatanparvar inson takabburlikka, faqat o'z manfaatini o'ylovchi shaxs bo'lishga mutlaqo yo'l qo'ymaydi va xalqidan o'z manfaatini ustun qo'ymaydi, hamma vaqt xalq bilan bir jon, bir tan bo'ladi.

Agar yoshlar o'z ona – Vatanini, o'tmish ajdodlarini sevmasa, ularga sadoqat bilan qaramasa, haqiqiy barkamol inson bo'la olmaydi. Insoniylikning eng muhim xususiyati ham shundadir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston tarixi. Darslik. T., 2006.
2. Azamat Ziyoy. O'zbek davlatchiligi tarixi. T., 2001.
3. Muqminova R.G va boshqalar. O'zbekiston tarixi. -T.: 1994



JADIDCHILIK: MAZMUN VA MOHIYATI

SamDCHTI, X.S.Ashurova

Annotatsiya: Mazkur maqolada, Jadidchilik harakatining kelib chiqish tarixi, ildizlari ijtimoiy axvolining mazmuni va xolatning natijasida jamiyatning ilmiy tahlil, ijtimoiy-ma'naviy qiyofasi tahlillangan. Jadidchilik o'zi nima u qayerda vujudga keldi nega vujudga keldi kabi savollarga ijtimoiy-tarixiy nuqtai nazardan javob berilgan. Jadidchilikning doirasini toraytirish, sotsialistik-kommunistik mafkuradan boshqasi keng xalq ongini kamrab olishi, egallashi mumkin emas, degan soxta tushunchaning asorati va oqibatlari yoritilgan

Kalit so'zlar: ko'chirish, ilm, jadidchilik, tarix, ijtimoiy xolat, maorif, ta'lim, ozodlik, farovonlik,

Jadidchilik bu ijtimoiy harakat. Jamiyat taraqqiyotida, ijtimoiy, siyosiy. ma'rifiy xarakat tizimi sifatida tarix sahnasiga namoyon bo'lgan jarayondir. Yaqin-yaqingacha ham u fakat ma'rifatchilik harakati deb, kelingan edi. Nega bu ataylab kilingan edi. Bundan maqsad nima edi?

Aslida jadidchilikning doirasini toraytirish, sotsialistik-kommunistik mafkuradan boshqasi keng xalq ongini kamrab olishi, egallashi mumkin emas, degan soxta tushunchaning asorati edi. Chunki jadidchilik harakatining faoliyatida biz nimani ko'ramiz va bu nimalarda qanday namoyon bo'lgan. Masalan:

- 1) o'z davrida jamiyat aholisining barcha qatlamlarini jalb eta oldi va yangicha Uyg'onish mafkurasi bo'lib xizmat qildi;
- 2) xalq bevosita mustakillik va ozodlik uchun kurash olib bordi. Ularning g'ayrat va tashabbuslari bilan Turkiston muxtoriyati bu yo'ldagi amaliy harakatning dastlabki natijasi bo'ldi;
- 3) asosiy maqsadlarning bosh yo'lida maorif va madaniyatni, matbuotni ijtimoiy-siyosiy maqsadlariga moslashtirib chiqdi.

Turkistondagi jadidchilik XIX asrning 80-yillarida Rusiya musulmonlari, xususan, Kavkaz va Volga buyida yoyilgan shu nomdagi tarakkiyparvarlik harakatining bevosita ta'siri va samarasi sifatida dunyoga keldi. Bunda yukorida nomini zikr etganimiz Ismoilbek Gaspralining «Tarjimon» gazetasi (1883) va u asos solgan «usuli jadid» (ikkinchi nomi «usuli savtiya») maktabi (1884) xal kiluvchi rol o'ynadi.

Shuningdek, bizdagi XIX asrning boshlaridagi eski maktab-madrasa tizimidan noroziliklar, taraqqiyotga to'siq bo'la boshlagan «Jadid» atamasi Turkiyada XX asr boshidagi adabiyotga, uning xam birgina yo'nalishiga nisbatan ishlatiladi. Shuningdek, «Rusiya jadidchiligi» o'zimizda esa, «Buxoro jadidchiligi», «Turkiston jadidchiligi» degan atamalarni uchramiz. Bizningcha, xarakat umumiy, ko'rinishlar konkret bo'lgani uchun farkli, moxiyat bitta — yangilanish. Bu turli joyda turlicha shaklda namoyon bo'ldi.

Chor xukumati bundan mahalliy xalqni Ruslashtirish yo'lida foydalandi ham. Lekin, mezon mahalliy xalqning o'z dini va e'tiqodini daxlsiz qoldirish, Ovrupo ilm-fanini shularning muxofazasiga xizmat qildirish uchun bu yerda ham kurash ketdi. Turkchilik, islomchilik, mahalliy o'zbekchilik kabilarning bu yerda ham maydonga kelishi bejiz emas. Aslida, bizning jadidlarda fikr va g'oya juda kuchli. Masol uchun, Dukchi Eshonni oladigan bo'lsak u kuch, zo'rlik bilan mustaqillikka erishish tarafdori edi va ham jadid din islohotchisi. siyosiy kurashchi. Juda ko'p jadidlarimiz uni rad etdilar. Bir qator jadidlarimiz ongli suratda sovetlar bilai hamkorlik qildilar, kommunist bo'ldilar. Bu bilan ham hisoblashmoq kerak. Bu xol, ayniqsa, mustaqillik uchun olib borilgan kurashda yaqqol ko'rindi. Bu borada 3 yo'lni kuzatish mumkin: birinchidan, Rusiyaga tobelikdan zo'rlik bilan qutulish, kuch bilan istiqlol olish (Dukchi eshon qo'zg'oloni, 1916 yil mardikorlik harakati, istiqlolchilik harakati); ikkinchidan, Murosa yo'li. Ruslar yordamida ma'rifatga erishish. Ma'rifat masalasida haq-huquq olish, milliy xususiyatlarni tiklash (I. Gasprali, M. Bexbudiy); uchinchidan, Hamkorlik yo'li. Chor ma'murlari, so'ng esa Sho'ro hukumati bilan birga ularning dasturlarida qatnashish va imkon bo'lishi bilan mustaqillikni qo'lga olish. Buning uchun ma'lum tayyorgarlik ko'rib borish bu Munavvar Qori. Hamza Hakimzoda, Abdulla Avloniy.

Umuman, Turkiston jadidchilik harakati Kavkaz, Volgabuyi, Turkiyadagi jadidchilikka nisbatan an'analarga ko'prok bog'lanib qolgan, umumovrupo ijtimoiy-madaniy jarayoniga tortilish darajasi qiyinroq kechgan jadidchilik. Bizda har bir yangilikning kirib kelish jarayoni g'oyat og'ir kechgan. Mana shu xil asliy xususiyatlarimizni anglash va anglatishda ziyolilar zimmasiga juda



katta mas’uliyat yuklatilgan edi. Tarix shunchaki xabardor bo‘lish uchun o‘rganib ko‘yilmaydi. U oyna, ibrat, tarbiya vositasi bo‘lmori kerak edi. Lekin ularni oldin bilmoq, kerak, keyin qanday tiklash masalalarini uylamoq, kerak.

Milliy mafkura konsepsiyasi millatning asliy xususiyatlaridan kelib chiqmog‘i va uning tabiati, aqlu tafakkuri, ehtiyoj-zarurati, imkoniyati kabilarga mutanosib g‘oyalar asosiga qurilmog‘i lozim edi. Milliy ideallarimizni belgilash lozim edi. Unutilgan milliy qahramonlarimizni, fan dohiylari, din dohiylari, g‘arb dohiylarini, mashhuri jahon shoirlarimiz, ijodkorlarimizni tanish va tanitish kerak edi. Ular millatga xos aqlu zakovatini, sabru toqatni, g‘ayrat-shijoatni, zavq-shavqini o‘zlarida namoyon etgan edilar. Qadriyatlar (din-diyonat, urf-udum, marosimlar), tarix va tarixiy shaxslar. Ular kutargan adolat bayrog‘i millatni bir va bor qiladigan asosiy omillar edi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Begali Qosimov «Milliy uyg‘onish» T, “Sharq” 2000 y, 53 bet.
2. Ashurova. Kh.S. Issues of the development of human capital in the teachings of Samarkand jadids & *Vidyabharati International Interdisciplinary Research Journal (Special Issue)* ISSN23194979 <http://www.viirj.org/specialissues/2021/SP2108/SP2108.html>
3. Ashurova. Kh.S. Some thoughts on the history of coming into existence of jadidism international journal of discourse on innovation, integration and education/ Volume: 01 Issue: 05 December 2020 ISSN:2181-1067 <http://summusjournals.uz/index.php/ijdiie>.
4. Улуғмуродов Э.С. “Philosophical analysis of islamic values in the formation of aesthetic thinking of the youn”. // Novateur Publication’s journalnx A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, АҚШ, Volume 6, Issue 5 May-2020. –Б. 162-169 (№23; SJIF-6.321).



ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЖИРОВЛАРИНИНГ ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙЎЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Базарбаева Гулжахан Муратбаевна,

Ўзбекистон Миллий университети

Фалсафа ва мантик кафедраси таянч докторанти

E-mail: guljahanbazarbaeva@gmail.com

Телефон: +998(93) 365-11-05

Аннотация. Ушбу мақолада қорақалпоқ халқ жировларининг ҳаёт ва ижод йўллари, ижро маҳорати ва ўзига хос тарафлари, улар тарафидан асос солинган жировчилик мактаблари ва уларнинг давомчилари ҳақида сўз этилади. Шунингдек, жировларнинг ҳаёт ва ижод йўлларининг ўрганилиш тарихи, олимлар тарафидан билдирилган фикр-мулоҳазалари ҳақида тухталиб ўтилган.

Калит сўзлар: жиров, дoston, халқ ижоди, шоир, кўбиз, мерос, Нуғойли даври

Қорақалпоқ халқ дostonлари қорақалпоқ халқининг қадим замонлардан йўлдош бўлиб келаётган маънавий озиғи, халқ ҳаётининг кўзгуси, халқнинг ўтмиши ҳақида маълумот берувчи тарихий манбасидир. Халқ дostonларининг бугунги кунга қадар сақланиб келинишида, уларни ижро этувчиларнинг хизматлари алоҳида бўлиб, булар жиров, бахши, қиссахонлардир. Улар ушбу миллий мерос намуналарини давр қийинчиликлари, оғир турмуш тарзига қарамасдан, халқимиз ҳазинаси сифатида ёд олиб, авлоддан-авлодга етказиб келганлар. Биз мақоламизда, қаҳрамонлик дostonларнинг ижро этувчилари ҳисобланган жировларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида қисқача тўқталиб ўтмоқчимиз.

Соппасли Сипира жиров қорақалпоқ жировчилик санъатида ўзининг мактабини ярата олган асосчиларидан бири саналади. Сўзининг ўткирлиги сабабли хонлар ўртасидаги низоларни адолатли турда ҳал қила олган донишманд инсон бўлган. Унинг номини қозоқ, нуғой, татар ва бошқурт маданиятларининг тарихида ҳам учратишимиз мумкин. Лекин барча манбаларда: «Соппасли Сипира жиров қорақалпоқ жировлар мактабининг асосчисидир»[1.179],-деб таъкидланади. Кейинги йилларда олиб борилган илмий экспедициялар натижасида Соппасли Сипира жировнинг кўпчилик терма-тўлғовлари, дostonлари, шеърлари халқ орасидан ёзиб олинди ва тадқиқотлар ҳулосасига кўра унинг XIV асрда яшаган таниқли жиров, шоир эканлиги аниқланган.

Соппасли Сипира жировнинг ижросидаги «Едиге» дostonи қадимий даврлардан қолган маданий мерослардан бири бўлиб ҳисобланади. Дostonда асосан XIV-XV асрлардаги Олтин Ўрда воқеалари баён этилган. «Едиге» дostonининг XVIII-XIX асрдаги каллиграфлар тарафидан кўчирилган қўлёзма нусхаларининг борлиги аниқланган [2.52]. Унинг котиблар тарафидан кўчирилганлигига қараганда, дoston сўзсиз халқнинг сеvimли эпосларидан бири бўлганлигини англатади. Қорақалпоқ халқи орасида ҳозирги кунга қадар: «Едиге»ни жирласа, кун жаъади»[3.115],-деган тушунчалар мавжуд. Демак, бу дoston халқнинг қайғули кунларининг гувоҳи бўлганлигидан дарак беради. «Едиге» дostonи ҳақиқатдан ҳам халқнинг бадиий тили, ҳаёти билан битилган дoston ҳисобланади.

Соппасли Сипира жиров «Едиге» дostonида бош қаҳрамон сифатида қатнашади. У асар қаҳрамонларидан бири сифатида иштирок этиши билан «Игор полки ҳақида эпос»нинг бош қаҳрамони Баянга қиёсланади. Қадимги рус адабиётининг тарихини ўрганган академик Д.С.Лихачев Баян образи ҳақида: «Баян: Игор полки ҳақидаги эпоснинг бош қаҳрамонларидан бири бўлиши билан бирга, ўша воқеани ўз кўзи билан кўрган автори бўлиб ҳисобланади»[4.77],-деб ёзган эди. Соппасли Сипира жиров ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин. У Нуғойли даврининг барча воқеаларини бошидан кечирган ва бу ҳақида ўз фикрларини билдира олган шоир бўлган.

Соппасли Сипира жировнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида илмий изланишлар олиб борган олимларимизга А.Маргулан, М.Аўезов, С.Муханов, Е.Исмайлов, Б.Кенжабоев, Х.Суйинияшалиев, М.Магаун, Қ.Мақсетов Н.Довқораев, И.Сағитов, Қ.Айимбетов, М.Нурмухамедов, К.Мамбетов, С.Баходирова ва бошқалар қиради. Шу ўринда биз уларнинг айрим фикр мулоҳазаларига тўқталиб ўтишни жоиз деб билдик. Қозоқ академиги А.Маргулан: «Соппасли Сипира жировни қипчоқ уруғидан чиққан, нуроний оқсоқол



бўлганлигини»[3.111] таъкидласа, бу давр бўйича кенг тадқиқотлар олиб борган М.Мағауин: «Соппасли Сипира жиров қорақалпоқ адабиётидаги энг катта эпосга ва жировлар мактабига асос солувчиси»[5.9-10],-деб айтиб ўтган эди. Ўткир қалам эгаси Ш.Ш.Уалиханов жиров ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: «Соппасли Сипира жиров Нуғойли давридаги кўпгина эпик жирларнинг ижроси ҳисобланган ва «Едиге» достонининг автори сифатида тилга олинади» [6.166].

Таниқли, тадқиқотчи олим Н.Довқораев 1946-йилги илмий тадқиқот ишида «қорақалпоқ адабиётининг асосчилари Нуғойли давридаги бадиий сўз маҳоратининг вакиллари ҳисобланган Соппасли Сипира жиров, Асан Қайғи, Жийренше шешенлардан бошланади»[3.111],-деган фикрни билдирса, адабиётчи олим Қ.Мақсегов изланишларининг ҳулосаси сифатида унинг XIV асрда яшаб ўтганлиги, Нуғойли ёки Олтин Ўрда хонлиги даврида бирга яшаб турган қозоқ, татар, бошқурт, нуғой фольклорларида номи кенг тарқалган, бадиий сўз устаси сифатида эътироф этади [2.52].

Соппасли Сипира жиров тўлғовларининг халқ кўнглидан жой олганлигининг сабаби, ундаги фалсафий ғояларнинг бойлиги, теранлигидадир. Жиров халқ қайғусини, халқ дардини юраги билан сезган ва бу асарларида ўз аксини топган. Жиров асарларида тенглик, адолат, эрк, озодлик каби ғояларни илгари сурган ва бу эса халқнинг эртанги кунга бўлган ишончига умид бағишлаган.

XVIII асрда яшаб ўтган қорақалпоқ адабиётининг таланти, таниқли вакили Жийен жиров ҳисобланади. Жийен жировнинг туғилган йили ҳақида ҳар хил тахминлар мавжуд. Айрим манбаларда унинг 1730-йили туғилиб 1784-йили вафот этганлиги таъкидланса ҳам унинг яшаб ўтган йиллари билан ёзган асарларидаги тарихий даврлари бир-бирларига мос келмаслиги туфайли, олимлар орасида турли кўз-қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Асарларидан келиб чиққан ҳолда Жийен жировнинг Туркистонда туғилиб, вояга етганлиги, камбағал оиладан бўлганлиги сабабли, ёшлигидан оғир меҳнат қилиб кун кечирганлиги айтиб ўтилади. Жийен жировнинг умри йўқчиликда ўтган. Баъзида халқ орасида кубиз чалиб, терма-тўлғовлар ижро этиб юрган. Жийен жиров юрт бошига тушган қайғули кунларни, турмуш қийинчиликларини халқ билан бирга бошидан кечирган ва уни асарларида ҳаётий тасвирлай олган жиров, шоирдир. Жийен жиров халқ достонларини моҳирона ижро эта олиши билан ҳам ажралиб турган. Унинг «Бузаман», «Қурбонбек», «Ер Қусай», «Жаскелен», «Алпомиш», «Қирқ қиз», «Ҳажи-Герей», «Ер Зийўар» достонларини ижро этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Жийен жиров ҳақида дастлабки маълумотларни О.Кожуров, Қ.Айимбетов, С.Маўленов ва Ш.Хожаниязовларнинг қўлёзмаларида учратишимиз мумкин. Кейинчалик профессор С.Ахмедов ва доцент Б.Исмаилов, К.Султановлар тарафидан ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлар яратилиб, унга жировнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида маълумотлар киритилган.

Жийен жировнинг асарлари ва ижтимоий-сиёсий турмушдаги ўрни ҳақида адабиёт вакили Н.Довқораев қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эди: «У шоир бўлиши билан бирга, таниқли жиров ҳам бўлган, унинг номи билан ҳозирга қадар кўплаб қорақалпоқ эпослари сақланиб келинган»[2.74]. Профессор Қ.Айимбетов бўлса: «Бу китобда қорақалпоқ халқининг сеvimли ўғлонларининг, халқни бошқарган раҳбарларнинг, сўз усталарининг сўз маржонлари бор. Халқ ночор кун кечириётган даврда кубизини қулига олиб, халқнинг армонини, дардини, қайғусини бадиий сўз билан тарихда қолдирган Жийен жиров каби халқнинг сеvimли ўғлонларининг асл сўзи бор»[2.74],- деб баҳо беради.

Жийен жиров асарлари нафақат адабиётшунослик вакиллариининг тадқиқот объекти бўлиб қолмасдан, балки тарихшунослар тарафидан ҳам ўрганилганлиги бизга маълум. Тарихшунос олимлардан С.П.Толстов, Т.А.Жданколар Жийен жиров ижодини ўрганиб асарларига юқори баҳо берган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, тарихшунос С.Камалов эса «қорақалпоқларнинг таниқли, машҳур шоир-жирови Жийен бўлиб ҳисобланади»[2.74],-деб таъкидлайди.

30-йиллардан бошлаб Жийен жировнинг асарларини халқ орасидан йиғиш ва нашр этиш ишлари бошланди. 1940-йили Жийен жиров ҳақида қисқача кириш сўз билан унинг «Пускан эл» («Посқан ел») поэмаси «Қорақалпоқ халқ санъати» тўпламида нашр этилди ва ўша йиллардан бошлаб Жийен жировнинг асарларини ўрганиш, йиғиш ва нашр этиш ишлари алоҳида ўрганилиб, мактаб, олий ўқув юртлари дарсликларига киритилди, илмий



тадқиқот ишлари олиб борилди. 1959-йил ва 1981-йиллари шоирнинг қўшиқлар тўплами «Пускан эл» («Посқан ел») номи билан нашр этилди.

XIX асрнинг иккинчи ярими XX асрнинг бошида яшаган энг йирик қорақалпоқ жировларининг бири бу Нурабилла жиров. Нурабилла жиров қорақалпоқлар орасида жировчиликнинг кенг тарқалишига ҳисса қўшган, сўзнинг ва сознинг моҳир устаси саналган. Халқ унинг асарларини севиб тинглаган ва ҳурмат қилган. Ёши катта нуронийлар уни эсга олишиб «жировларнинг булбули эди», - деб таъкидлайдилар.

Нурабилла жиров 1863-йили Чимбой туманидаги камбағал этикдуз оиласида дунёга келган. Нурабилла ёшлигидан оғир меҳнат қилиб кун кечирган. Болалигидан қўшиқ, шеър айтишга қизиқиши баланд бўлган. Дастлаб, кичик тўй-томошоларда қўй-қўшиқларни ижро этиб юрган. Вақт ўтгани сари Нурабилла жировнинг ижоди ҳам сайқалланиб борган. Баъзида Нурабилла жировсиз катта тўй-томошолар ўтказилмай қолган вақтлар ҳам бўлган экан. У халқнинг кўнглидан жой олиб, меҳрини қазона олган жиров саналади.

У аввал Чимбой туманидаги Туримбет жировга, кейин эса Палеке жировга шогирд тушади. Улардан халқимизнинг дурдоналари бўлган «Алпомиш», «Қўблон», «Едиге» достонларини тинглаб ўрганади. Сўнг Ерман жировга бориб «Шаҳриёр» достонини, Қозоқбой жировдан «Алпомиш», «Қўблон», «Шора», «Едиге», «Шаҳриёр» достонларини тўлиғи билан ўзлаштиради [7.321].

Нурабилла ўзига хос соз чалиш, қўшиқ айтиш, достонларни моҳирона ижро этиш йўлини ярата олган устоз жировлар қаторига киради. У қорақалпоқ достончилигида бошқа жировларга намуна бўла оладиган «Нурабилла йўли» мактабини яратиб кета олган. У Қурбонбой, Қуламет, Абдирасуўли, Есемурод каби таниқли жировларга устозлик қилган. Нурабилланинг номи нафақат қорақалпоқлар орасида балки буткул Хоразм диёри бўйлаб кенг тарқалган. Нурабилланинг ижро этиш маҳорати, жировчилиги ҳақида халқ орасида афсоналар тарқалган. Улардан бирида: «Агарда Нурабилла жиров қайғули достонларни ижро этса қиш кунлари бўрон бўлиб, қор ёққанлиги, ёз кунлари эса кун булут бўлиб ёмғир ёққанлиги» [8.139] айтилади. Кўпчилик уни тинглаган инсонларнинг гапларига кулоқ солганимизда у чиройли овозга эга, «Қубизни гапиртира олган» сознинг моҳир устаси бўлган деб таъкидлайдилар.

Ҳар бир даврда яшаб ўтган жировларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ўрганар эканмиз, уларнинг ҳар бирлари ўзига хос ижод йўли ва ижро маҳоратига эга эканликларини кўришимиз мумкин. Масалан, Соппасли Сипира жиров ва Жийен жиров ижодларини олиб қарасак, уларнинг нафақат достонларни моҳирона ижро этиши билан халқ орасида танилганлигини, қолаверса ўз қаламларига мансуб қўшиқлар ва поэмалар яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Эндиликда жиров фақат достон ижрочиси гина эмас, балки жамиятка ўзининг ижодкор сифатидаги услубини олиб кириши орқали ўз асар намуналари билан ҳам халқ орасида танила бошлаган эди. Демакки бу орқали жамиятда ривожланиш янги босқичга кўтарилганлигини англашимиз мумкин. Сабаби халқ орасида фольклорлик мерослар билан биргаликда, муаллифлик асарлар ҳам кенг тарқала бошланганди.

Жировчилик санъатининг давомчиси бўлган Нурабилла жировни эса жуда кўплаб халқ достонларини ёд билган талант эгаси сифатида таниймиз. Албатта, кўплаб достонларни кунт билан ўрганиш ва уларнинг ҳар бирини ижро этиб билиш куч, билим, меҳнат ва маҳоратни талаб қилади. Нурабилла жиров ҳам ўзидан кейинги авлодга жуда кўплаб битмас-туганмас бой хазинамиз номуналарини мерос сифатида қолдира олган жировдир. У кўплаб шогирдлар тарбиялаб чиқарган ва кейинчалик уларнинг ҳар бири ўз олдига йирик жиров бўлиб, жировчилик мактабларига асос солган. Бу даврга келиб халқ орасида жировчилик санъатига бўлган қизиқишнинг ортганлигини, халқ меросларининг жонли сақловчилари кўпайганлигидан кўришимиз мумкин. Демакки жамият, халқ жировларнинг ижод йўлини қадирлаган, ҳурмат қилган ва шу сабабли ҳам уларнинг мавқеи юқори турган. Буни биз Нурабилла жиров ва унинг шогирдлари мисолида кўрамиз.

Демак, жировлар ижодини ўрганар эканмиз даврлар ўтиши билан қадимдан бизга мерос сифатида келаётган жировчилик санъатининг ривожланиб, сайқалланиб, бойиб борганлигини кўришимиз мумкин. Қорақалпоқ халқи мустаҳкам ва теран жировчилик шажарасига эга экан, биз уларни ўрганишимиз, ривожлантиришимиз лозим. Миллий кадриятларимиз саналган жировчилик санъатининг йўқолиб, унутилиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.



АДАБИЁТЛАР

1. К.Мәмбетов. Ерте дэўирдеги қарақалпақ әдебияты. –Нөкис:Билим, 1992. 243 б.
2. Н.Жапақов, Қ.Мәмбетов, Қ.Султанов, А.Кәримов. Қарақалпақ әдебияты тарыйхы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1983. 342 б.
3. К.Мәмбетов. Әййемги қарақалпақ әдебияты. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1976. 203 б.
4. Д.С.Лихачев. Возникновение русской литературы. -М.; Л.: Изд-во АН СССР, 1952. 240 с.
5. М.Мағауин. «Қобыз сарыны». -Алматы: «Жазыўшы», 1968. 162 б.
6. Ч.Валиханов. Записки императорского русского географического общества по отделению этнографии . Том. XXIX СПб. 1904 г. Стр. 266.
7. Қ.Мақсетов. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. -Нөкис: Билим,1996. 340 б.
8. Қ.Мақсетов. Дәстанлар, жыраўлар, бақсылар. –Нөкис:Қарақалпақстан, 1992. 348 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 2-ҚИСМ

(2-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000